

“ТАСДИҚЛАНГАН”

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
йиллик умумий йиғилиши
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий
йиғилиши баённомасига 10-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

ТОШКЕНТ – 2021 йил

Мундарижа

I. Умумий қоидалар.....	3
II. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари.....	3
III. Ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	3
IV. Ички аудит хизматига талаблар.....	4
V. Ички аудит хизматининг мустақиллиги.....	5
VI. Ички аудитни ўтказиш ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар.....	5
VII. Меҳнатга ҳақ тўлаш.....	7
VIII. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги.....	9
IX. Яқуний қоидалар.....	9

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ички аудит – “�зтрансгаз” АЖ таркибий тузилмасининг (ички аудиторлик хизмати) “�зтрансгаз” АЖнинг бошқарув ижроия органи ва таркибий тузилмаларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатларга риоя қилиши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботдаги маълумотлар тўлиқ ва ишончли акс этирилишини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга ошириш, активлар сақланганлиги, шунингдек корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларини текшириш ҳамда мониторинг қилиш йўли билан уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича фаолияти;

ички аудит хизмати – бу “�зтрансгаз” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) қузатув кенгашининг қарори билан ушбу Низомда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган ички аудитни амалга оширувчи таркибий бўлинма.

II. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

2. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари қуйидагилар саналади:

Қузатув кенгашини ишончли маълумотлар билан таъминлаш ва ички аудит натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, уларни бартараф этиш устидан назоратни амалга ошириш бўйича Жамиятнинг бошқарув органларига тезкорлик билан тавсиялар бериш.

3. Ички аудит хизматининг асосий функциялари қуйидагилар саналади:

ҳар йили Жамиятнинг Қузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширувлар ўтказиш орқали ички аудитни (ҳар чоракда ва ҳисобот йили натижалари бўйича) амалга ошириш;

тузилаётган хўжалик шартномаларининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда услубий ёрдам кўрсатиш, уларга молиявий, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик масалалари бўйича маслаҳат бериш;

Жамиятнинг Қузатув кенгашига техник топшириқларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолаш, шунингдек аудиторлик текшируви учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

III. Ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга саналади:

Жамият ҳужжатларини (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органларининг қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари), Жамиятнинг мансабдор шахслари ва масъул шахсларидан ички аудитни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришларни олиш;

ички аудитни ўтказишда кўмаклашиш учун Жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб қилиш.

Ички аудит хизмати қуйидаги мажбуриятларга эга:

ички аудитни ўтказишда ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларига риоя қилиш;

ушбу Низомнинг 11-16-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботларни тузиш;

молиявий ва статистик ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини текшириш;

ички аудит жараёнида олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

Жамиятнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан Жамиятга зарар етказилганлигидан гувоҳлик берувчи далил-исботлар аниқланганда, бу ҳақда дарҳол Жамият кузатув кенгашини хабардор қилиш ва аудиторлик хулосасига тегишли ёзувни киритиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда активлар инвентаризациясини ўтказишда иштирок этиш ва унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш.

Ички аудит хизмати қонунчиликка ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Ички аудит хизматига талаблар

5. Ички аудит хизмати ходимлари сўнгги ўн йилдан камида икки йил давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида ҳам) эга бўлиши ва қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши лозим:

ички аудитор сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ёки чет давлатнинг таълим муассасаларида олинган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги маълумот даражасига тенг деб топилган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларига сертификат бериш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудитнинг мақсад ва вазифаларига самарали эришиш учун етарли бўлиши керак ва Жамият кузатув кенгаши томонидан камида иккита сертификатланган ички аудитор миқдорида белгиланади.

7. Ички аудит хизматини унинг ички аудиторлик сертификатиغا эга раҳбари бошқаради.

Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Жамият кузатув кенгашига такдим этади.

8. Ички аудит хизмати ходимларининг касбий даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш орқали сақланиб туриши лозим.

V. Ички аудит хизматининг мустақиллиги

9. Ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

ички аудиторлик хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш кузатув кенгашининг қарорлари билан амалга оширилади;

тўғридан-тўғри Жамият кузатув кенгашига бўйсунди.

VI. Ички аудитни ўтказиш ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга талаблар

10. Ички аудит фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан текширишлар ва мониторинглар ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

тасдиқланган бизнес-режани бажариш жараёни;

корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиш;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ҳолати;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги;

молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя қилиш;

активларнинг ҳолати;

ички назорат ҳолати.

Кузатув кенгаши текширувларни амалга оширишнинг бошқа йўналишларини қонунчиликка мувофиқ, Жамият профилидан келиб чиқиб белгилаши мумкин.

11. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича уларни тўғридан-тўғри амалга оширган ходим (ходимлар) томонидан имзоланган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режанинг бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

уни бажариш кўрсаткичларининг таҳлили;

унинг бажарилиши таъминланмаган ҳолатда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда, аниқланган сабабларнинг тавсифи;

б) корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар натижадорлиги, унинг иштирокчилари (муассислари) нинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчилик бузилиши фактларининг тавсифи (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, Жамият бошқарув органларининг умумий йиғилишлари ва мажлисларини ўтказиш, дивидендларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш ва бошқалар);

в) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар бўлиши лозим:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишнинг белгиланган тартибининг аниқланган бузилишлари тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар бўлиши лозим:

амалга оширилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини баҳолаш;

солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилганлиги, солиққа тортиладиган базани аниқлашдаги оғишлар фактларининг тавсифи;

д) молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда Жамият томонидан қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Жамият томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

ички аудит жараёнида аниқланган Жамият томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларидаги қонунчиликка номувофиқликлар тавсифи;

е) ички назорат ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар бўлиши лозим:

ички назорат тизимининг тавсифи ва унинг ишлашидаги камчиликлар;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ҳолати, аниқ ходимлар ишидаги мавжуд камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активлар инвентаризациясига асосланиши ва уларнинг ҳаракати, ҳақиқатда мавжудлиги ва сақланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

Шунингдек, ўтказилган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда Жамият ижроия органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш, аниқланган оғиш ва бузилишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, тасдиқловчи ҳужжатлар тўпламини ўз ичига олган якуний қисм бўлиши лозим.

12. Мазкур Низомнинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ, ички аудит натижалари бўйича ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланган йиғма ҳисобот тузилади.

13. Йиғма ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

таҳлилий қисм;

якуний қисм.

14. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисмида ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар бўлиши лозим.

15. Ҳисоботнинг якуний қисмида қуйидагилар бўлиши лозим.

Жамиятнинг ижроия органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятини, шунингдек унинг ликвидлигининг умумий баҳоси;

аниқланган оғиш ва бузилишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсиялари, шунингдек Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган таклифлар.

16. Йиғма ҳисобот ички аудит тугаганидан кейин 10 кун ичида тузилади.

17. Йиғма ҳисоботлар тўғридан-тўғри Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқилиши ва кейинчалик тасдиқланиши учун тақдим этилади. Ҳисоботларнинг нусхалари тасдиқлангандан сўнг улар Жамият ижроия органига тақдим этилиши лозим.

18. Жамиятнинг ижро этувчи органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

19. Ички аудиторлик хизмати текшириш пайтида аниқланган бузилишларни бартараф этиш, шунингдек умуман Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти

самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилиши устидан назорат ўрнатиши лозим.

VII. Меҳнатга ҳақ тўлаш

20. Ички аудит хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш қуйидаги тўловларни ўз ичига олади:

- ойлик маош;
- чорак якуни бўйича мукофот (1-ярим йиллик, 9 ой ва бир йил);
- муайян давр ишлаганлик учун мукофотлаш ва меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган мукофотлар;
- компенсация тўловлари (компенсация).

21. Ички аудит хизмати ходимларига иш ҳажмининг катталиги ҳамда марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши инобатга олинган ҳолда фиксирланган ойлик маош тайинланади:

- ички аудит хизмати раҳбари – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўн беш бараварига тенг миқдорда;
- ички аудит хизмати аудитори – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўн уч бараварига тенг миқдорда.

Жамият ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган ва Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби бошқармасига тақдим этилган ойлик маош тўлаш учун иш вақти табелига асосан ҳар ойда Ички аудит хизмати ходимларига тўловларни амалга оширади. Бунда:

- бир ой ойдаги иш кунларининг умумий сонига тенг;
- дам олиш ва касаллик туфайли таътиллар ҳақ тўланмаган кунлар (соат) ҳисобланади.

22. Чорак (1-ярим йиллик, 9 ой ва бир йил) якунлари бўйича мукофот тўлаш Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан иш режасига мувофиқ аудиторлик ҳисоботи тасдиқланганидан сўнг қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

- ички аудит хизмати раҳбари – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўн беш бараварига тенг миқдорда;
- ички аудит хизмати аудитори – Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўн уч бараварига тенг миқдорда.

Жамият ички аудит хизмати ходимларига тўловларни ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган ва Жамиятнинг бухгалтерия бошқармасига тақдим этилган чорак якунлари бўйича мукофот тўлаш учун ҳисоб-китоб қайдномаси асосида амалга оширади. Бунда мукофот тегишли чоракда ишлаган соатига мутаносиб равишда тўланади.

23. Муайян давр ишлаганлик учун мукофотлаш ва меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган мукофотлар агар Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан

тасдиқланган сметада маблағ бўлса ва/ёки ички аудит хизматини таъминлаш харажатлар сметаси бўйича тежаб қолинган бўлса, ички аудит хизмати фаолиятдан қатъи назар тўланади.

Муайян давр ишлаганлик учун мукофотлаш ва меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган мукофотлар қуйидаги миқдорларда тўланиши мумкин:

а) Ички аудит хизмати ходимларига ҳар чоракда иш стажига қўшимча равишда қуйидаги миқдорда (ойлик маошга коэффициентларда) тўланиши мумкин:

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан юқори – 1,5.

б) байрам кунлари учун мукофотлар – ойлик маошнинг 50 фоизигача.

Жамият Ички аудит хизмати ходимларига тўловларни ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланган ва Жамиятнинг бухгалтерия бошқармасига тақдим этилган муайян давр ишлаганлик учун мукофотлаш ва меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган мукофотлар тўлаш учун ҳисоб-китоб қайдномаси асосида амалга оширади.

24. Компенсация тўловлари қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда тўланади:

– Жамиятнинг меъёрий ва маҳаллий ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда республика ичидаги хизмат сафарларида кунлик миқдорда;

– республика бўйлаб хизмат сафари пайтида саёҳат ва турар жой харажатлари тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ қопланади.

25. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва компенсациялар Жамият томонидан нақд ва ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

26. Ички аудит хизмати раҳбари харажатлар сметасининг бажарилиши учун жавобгар саналади.

VIII. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги

27. Ички аудит ходимлари қуйидагилар учун жавобгар саналади:

ўзлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларини бузганлиги учун;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи, уларга тақдим этилган ёки ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ равишда маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилмаганлиги учун;

олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш учун.

28. Ички аудит хизмати аудиторлик текшируви пайтида аниқланган бузилишларни бартараф этиш ва Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган чораларни баҳолаш учун жавобгардир.

29. Жамият кузатув кенгаши ҳар чорақда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш билан ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади.

IX. Яқуний қоидалар

30. Ушбу Низом Жамият бошқарувининг юқори органи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

31. Ушбу Низомда белгиланган тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

32. Жамиятнинг корпоратив бошқарув органларида низоларни ҳал қилишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган деб ҳисоблаган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судлов органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

33. Ушбу Низомга кузатув кенгаши ва Жамиятнинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

34. Агар ушбу Низомнинг айрим меъёрлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва бу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки Жамият уставининг амалдаги меъёрларига амал қилинади.